

# ЖАЛДІК СҮЗІ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

30 март, пайшанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 62 (1064)

## Испом КАРИМОВ: ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ — ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШ ЙЎЛИДИР



СУРАТЛАРДА: матбуот конференцияси пайтида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 март куни Тошкентда Ўзбекистондаги дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотлар вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашди.

— Учрашувларимиз мунтазам тус олинган хурсандман, деди Президент тўланганларга мурожаат қилар экан. Бугун сизларни ўтган йил охирида бўлган учрашувимиздан кейин ўтган вақт чида республикамиз ҳаётида юз берган муҳим воқеалардан хабардор қилмоқчиман.

Бу давр Ўзбекистоннинг БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлигида ўтказилган йирик халқаро анжуман ва талбирларда фаол иштирок этгани билан алоҳида ўрин тутади. Биз бу талбирларда иштирок этишга республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишидаги муҳим восита, бизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизда юз бераётган янгиланишларга халқаро тузилмаларнинг эътиборини жалб этиш ва бу ишда уларнинг кўмагини фойдаланиш, республикада амалда оширилаётган ислохотларнинг янада ривожланиши, миллий хавфсизликни, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришининг муҳим гарови, деб қараймиз.

Биз ЕХХТнинг Будапештда ўтказилган йиғилишида Ўзбекистон делегациясининг иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга, деб биламиз. Бу конгрессда Ўзбекистон минтақамизда барқарорлик ва тинчликни сақлаб туриш, ЕХХТнинг бу жараёнда, экология муаммоларини, хусусан бутунги кунда миллийлик доирасидан чиқиб, умуминсоний муаммага айланган Ород муаммосини ҳал этишда янада муайянроқ иштироки билан буюк бир қанча ташаббусни кўтариб чиқди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлабқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан амалий ишларни мустаҳкамлашга катта аҳамият бериб келади. Шу йил 20 январда БМТ ваколатхонаси билан ҳамкорликда, жаноб Холид Малик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг стратегик муаммолари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга бағишлаб ўтказилган семинар-кенгаш муҳим воқеа бўлди. Анжуманда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида БМТ билан уч йиллик ҳамкорлик натижалари тўхил этилди ва бу ҳамкорликни янада такомиллаштириш йўли белгилаб олинди.

Ўзбекистон делегацияси иштирок этган яна бир катта

талбир — Копенгагендаги давлат ва ҳукумат бошлиқларининг халқаро учрашуви. БМТ ҳомийлигида қақриланган ва ижтимоий тараққиёт муаммоларига бағишланган олий даражадаги бу учрашув муҳим воқеа бўлди. Бу ерда Ўзбекистон республикада амалда оширилаётган ижтимоий тараққиёт муаммоларини ҳал этишнинг ўзи танланган йўлини тақдим этди. Бу йўл мураккаб ўтиш даврида жамиятда қашшоқлик, оммавий ишсизлик ва аҳолининг кўчиб кетиш жараёнига йўл қўймасликнинг муҳим шартли бўлиб қолди.

Биз ўтмишга баҳо беришда ва бундан бунги тараққиётимиз истиқболини белгилашда умумийликни тўтовликка эришидик. Жаҳоншумул ижтимоий муаммоларни самарали минтақавий механизмларни барпо этиш йўли билан ҳал этиш зарурлигига бизнинг ишончимиз қатъий. Бу гоёяни жаҳоншумул муаммоларни минтақа муаммоларини очиб орқали ҳал этиш гоёяси, деб ифодалаш мумкин.

Президент Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилганининг 50 йиллигига тайёргарлик доирасида республикада миллий комиссия тузилганини қайд этди. БМТ ваколатхонаси билан биргаликда юбилей талбирлари режаси ишлаб чиқилган. Ҳозир бу режа муваффақиятли амалда оширилмоқда.

Ҳозирги пайтда Германия, Франция, Буюк Британия, Австралия, Голландия каби тараққиёт этган Европа давлатлари билан ўзаро муносабатларимиз фаол алоқа қилишга юксак интилиш мавжудлиги билан аҳамиятлидир.

Бу муносабатлар анчадан бери мустаҳкам ҳуқуқий негиз асосида ривожланмоқда. Тузилган бир қанча шартнома ва битимлар ана шундай негиз бўлиб, уларнинг кўпи амалда муваффақиятли рўёбга чиқмоқда ва бундан ҳаммамиз мамнунмиз, деб таъкидлади давлатимиз бошлиғи.

Олдинги учрашувимизда айтилганидек, яна бир қанча мамлакатларда дипломатия ваколатхоналаримизни очиб

2000 йилдан узайтирилгани тўғрисидаги гувоҳнома ни топишди.

— Референдумнинг юқори натижаси — Ўзбекистон халқининг меҳнати, оройишталари ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилгани тўғрисидаги гувоҳнома ни топишди.

— Референдумнинг юқори натижаси — Ўзбекистон халқининг меҳнати, оройишталари ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилгани тўғрисидаги гувоҳнома ни топишди.

С. ЗУФАРОВ тасвирга олган.

1995 йил биз учун Польша Республикасига давлат ташрифи билан бошланди. У ерда Президент Лех Валенса билан батафсил суҳбат ва дўстона учрашувлар бўлиб ўтди. Ўтказилган музокаралар натижасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим, икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисидаги битим ва бошқа бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Март ойининг бошларида Чехия ташкил ишлар вазир Иосеф Желецек Ўзбекистонга расмий ташриф бурди. Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг шартномавий-ҳуқуқий негизини яратиш тўғрисида эришилган аҳднома бу учрашувнинг асосий якуни бўлди.

Ўзбекистон январ-феврал ойларида Словения ва Хорватия билан дипломатия муносабатлари ўрнатди. Копенгагенда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув чоғида Болгария Президенти Желю Желев билан олий даражада ўзаро ташриф тўғрисида аҳдномага эришилди. Ўзбекистоннинг Болтиқбуйи мамлакатлари билан муносабатлари тараққиётининг янги босқичига кўтарилимоқда. 30 март куни Ўзбекистон давлат делегациясининг Молдовага ташрифи бошланди.

Бу учрашувлар, уларнинг натижалари бундан кейинги ҳамкорлик учун жуда яхши асос ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга катта аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман.

Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларимизнинг ривожига алоҳида тўхтамоқчиман. Биз АҚШни жаҳон ва минтақа барқарорлигини сақлаб туришда улкан имкониятга эга булган мамлакат, халқаро сиёсатнинг муҳим субъекти деб биламиз.

Икки томонлама муносабатлар соҳасида мамлакатимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот суръатлари охиб бораётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу — ўз навбатида бошқа муҳим соҳаларда, шу жумладан ҳарбий-техника соҳасида амалий ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар яратди. Иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар шартномавий-ҳуқуқий негизни кенгайтириш йўли билан мустаҳкамланмоқда.

Ўтган йил охирида Вашингтонда сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ҳозирги пайтда экспертлар яна бир муҳим ҳужжат — иккиёқлама солиқ олмаслик ҳақидаги шартнома тасдиқлашмоқда. Биз Қўшма Штатлар билан иккала давлат фуқароларининг эркин келиб-кейтиши тўғрисидаги ме-

морандумни имзолашга тайёрмиз. Бу ҳужжат талбиркор кишилар ва саёхатчилар учун қўлай шарт-шароит яратди. Биз Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалда оширишда, экология, иқтисодиёт ва таълим соҳасидаги бир қанча дастурларни рўёбга чиқаришда АҚШнинг мадади ва ёрдами юқори баҳолаймиз.

Президент яқин кунларда Ўзбекистон пойтахти билан Нью-Йорк ўртасида бевоасита ҳаво йўлининг очилиши мамлакатларимизни бир-бирига тагин ҳам яқинлаштиради, деб ишонч билдириди.

Ўзбекистон расмий делегациясининг Корея Республикасига ташрифи халқаро ҳаётда катта воқеа бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари Сеулда бўлиб ўтган музокараларнинг асосий мавзусидир. Ислам Каримов таъкидлаганидек, Президент Ким Ён Сам билан муҳим ва самарали суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида асосий халқаро муаммолар буйича Ўзбекистон билан Корея Республикасининг нуқтани назари ва тутган йўли ўхшаш эканлиги қайд этилди.


Табиийки, савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалалари Сеул учрашувларининг диққат маркази бўлди.

Ташриф дастурининг муҳим бандлари орасида Кореянинг ДЭУ, Самсунг ва бошқа бир қанча йирик компаниялари билан учрашув бор эди. Кореянинг савдо-саноат доиралари Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар қандай амалда оширилаётгани билан таништирилди, сармоя соҳасидаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари тўғрисида самарали фикрлашиб олинди.

Ўзбекистоннинг жугрофий-сиёсий мавқеи республиканинг Шарқ мамлакатлари билан ташкил этилган алоқаларни ривожлантиришнинг алоҳида аҳамиятини белгилаб беради. Бизнингча, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш — Осийнинг шу қисмидаги мамлакатлар бунёдкорлик йўлидан ривожланишининг асосий шартидир, деди Президент. Ҳиндистон, Покистон ва Эрон каби мамлакатлар билан муносабатимизнинг ривожланишига аниқ шу нуқтани назардан баҳо берамиз. Ўзбекистон раҳбари савдолардан бирга жавоб қайтарар экан, мамлакатимизнинг Афғонистондаги уруш тизорқ тўхташи ва у ерда барқарор вазиятни қарор топиридан манфаатдорлигини алоҳида таъкидлади. Кўпгина кенг қўламли режалар, шу

(Давоми 2-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТГА ГУВОҲНОМА ТОПШИРИЛДИ



СУРАТДА: қабул пайти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия раиси Қудратилла Аҳмедовни қабул қилди.

Қ. Аҳмедов мамлакатимиз раҳбарига республика Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги қарори асосида 26 мартда ўтказилган умумхалқ Референдуми якунига биноан Президент Ислам Каримов-

нинг ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилгани тўғрисидаги гувоҳнома ни топишди.

— Референдумнинг юқори натижаси — Ўзбекистон халқининг меҳнати, оройишталари ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилгани тўғрисидаги гувоҳнома ни топишди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯДА

Шу йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини комиссия раиси Қ. А. Аҳмедов бошқарди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи юзасидан шу йил 26 мартда ўтказилган умумхалқ Ре-

ферендуми натижалари қўриб чиқилди. Республика буйича овоз бериш республика ҳудудидан ташкил этилган 7257 участканинг ҳаммасида, шунингдек, мамлакатимизнинг чет давлатлардаги ваколатхоналари қўшида ташкил этилган 25 участкада Референдум тўғрисидаги қонунга тўла мувофиқ ҳолда ўтганлигини қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия овоз бериш натижалари тўғрисида 14

округ комиссияси тақдим этган баёнларни қўриб чиқиб, овоз бериш республика ҳудудидан ташкил этилган 7257 участканинг ҳаммасида, шунингдек, мамлакатимизнинг чет давлатлардаги ваколатхоналари қўшида ташкил этилган 25 участкада Референдум тўғрисидаги қонунга тўла мувофиқ ҳолда ўтганлигини қайд этилди.

Овоз бериш ҳуқуқига эга

Р. ШАГАЕВ тасвирга олган.

лаиди. Вақтинчалик мураккабликларга қарамай, кўтаринки кайфият, яратувчанлик руҳи билан яшаётган азим халқнинг етакчилиги бўлишдек масъулият зиммада экан, уларнинг ишончини оқлашни ўзининг муқаллас бурчим деб биламан.

Маросимда республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

(Ў.А.)

Т. р.	Округлар номи	Овоз бериш учун рўйхатга қиринтилган фуқароларнинг умумий сони	Овоз беришда қатнашган фуқаролар сони	%	Ёқлаб овоз берган фуқаролар сони	%	Қарши овоз берган фуқаролар сони	%	Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони
1.	Тошкент шаҳри	1209656	1176407	97,2	1165437	99,1	10467	0,9	503
2.	Андижон	1018187	1017544	99,9	1016875	99,9	643	0,1	26
3.	Бухоро	635555	651645	99,7	649927	99,7	1696	0,3	22
4.	Жиззах	398271	397781	99,8	397150	99,8	620	0,2	11
5.	Навоий	377226	373404	98,9	372468	99,7	936	0,3	—
6.	Наманган	865985	865712	99,9	864426	99,8	994	0,1	292
7.	Самарқанд	1180810	1176414	99,6	1171041	99,5	4719	0,4	654
8.	Сирдарё	302049	300621	99,5	297963	99,1	2360	0,8	298
9.	Сурхондарё	718133	716854	99,8	716245	99,9	516	0,1	93
10.	Тошкент вилояти	1151008	1135532	98,6	1127244	99,3	7743	0,7	545
11.	Фарғона	1277540	1275524	99,8	1271070	99,6	2719	0,2	1735
12.	Хоразм	605737	598770	98,8	596710	99,6	1718	0,3	342
13.	Қашқадарё	888081	886127	99,8	884909	99,8	1120	0,1	98
14.	Қорақалпоғистон	673209	672693	99,9	667950	99,3	4366	0,6	377
	ЖАМИ:	11319447	11245028	99,3	11199415	99,6	40617	0,3	4996

Шундай қилиб, мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ваколатлари муддатини узайтиришга ёқлаб овоз берди, давлатимиз Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти раҳбарлигида тараққиётнинг тўғри йўлидан бораётганини яна бир бор тасдиқлади. Бу эса ҳокимиятнинг ҳамма тармоқлари бундан бунён ҳам самарали ҳамкорлик қилиши, мамлакатда барқарорлик ва ижтимоий

ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, белгилаб берилган ислохотлар ҳамда дастурларни ишонч билан рўёбга чиқариш узуни шартли яратди.

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия қабул

қилган қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг ваколатлари муддатини умумхалқ овоз бериш натижасида 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган деб ҳисобланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВАЗИРЛИГИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АЛОҲИДА УРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республика аҳолисига коммунал-хизмат кўрсатишни яхшилашдаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМИ»  
МИРАЗИМОВ Раҳмат — Чиноз тумани коммунал-foyдаланиш бошқармасининг ишчиси, Тошкент вилояти

МИРОВ Ҳажимаҳмад — «Сувоқая» ишлаб чиқариш бошқармасининг диспетчерлик хизмати устаси, Самарқанд вилояти  
ҲАМРОЕВ Сафар — «Қашқадарёгаз» вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»  
МАНСУРОВ Ортиқ Маҳмудович — «Ужкоммунмаштабмнот» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Тошкент шаҳри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»  
АХРАМШИН Валерий Тихонович — «Ўзбекгазурилик» бошқармасига қарашли 3-механизацияланган кўма колонна электр-пайвандчиси, Андижон вилояти

ҚЎЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ:  
БЕРДИМУРТОВ Сайлаубай Султонович — Қорақалпоғис-

тон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг биринчи ўринбосари

ЖАНТАЕВ Жора — шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трестининг махсус қурилиш бошқармаси машинисти, Тошкент шаҳри  
ҚОРАБОВ Раҳмонберди — «Махсутранс» бирлашмасининг Яксарой тумани автокорхонасининг ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

КОСЕНКО Ольга Ивановна — Андижон вилоят ҳудудий коммунал-foyдаланиш бирлашмасининг режа ва иқтисод бўлими бошлиғи

МАМАТҚЎЗИЕВ Холмқазар — Фарғона шаҳар махсус мосламанинг автойўлкорхонасининг ҳайдовчи-устаси, Фарғона вилояти  
МИРСАИДОВ Ғани — Жиззах шаҳар коммунал-foyдаланиш бошқармасининг ободонлаштириш бўлими ишчиси, Жиззах вилояти

САМАДОВ Шағо Сайфуллоевич — фуқаролик хизмати кўрсатиш бюроси «Сағона» мармар шеҳи устаси, Бухоро шаҳри  
САПАЕВ Йўлдош — Хоразм вилояти ҳудудий коммунал-foyдаланиш бирлашмаси Урганч шаҳар махсус автобазасининг ишчиси СОЛИХҲАЕВ Зокирхўжа Тўраҳўжаевич — «Султоз» трести бошқарувчиси, Тошкент шаҳри

ЭГАМБЕРДИЕВ Файзулло — Гулистон шаҳар коммунал-foyдаланиш бошқармаси ирригация бўлимининг бригада бошлиғи, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1995 йил 29 март.





# Тадбиркорлар, эшитмадим деманглар!

## "Самарқандулгуржисавдобиржаси" ҳиссадорлик жамияти

Ишбилармонлар, хусусий шахслар, корхоналар, ташкилотлар, фирмалар ва компанияларга ҳамма — ҳаммага мулкчилик шаклидан қатъий назар, хилма-хил турдаги хизматларни таклиф қилади

ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ:	ЭЛЕКТР БЎЮМЛАРИ:	КИМЁ САНОАТ МАХСУЛОТЛАРИ:	Улгуржи ва чаканә нархларда сотади	МАШИНАСОЗЛИК БЎЮМЛАРИ:	МАДАНИЙ-МАИШИЙ БЎЮМЛАРИ:
<ul style="list-style-type: none"> <li>-ёғоч,</li> <li>-шифер,</li> <li>-ДВП,</li> <li>-ДСП,</li> <li>-фанер,</li> <li>-қувурлар,</li> <li>-бурчакли</li> <li>пўлат ва бошқалар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-аккумуляторлар,</li> <li>-турли хил кабеллар,</li> <li>-электр симлар,</li> <li>-саноатда, уйда пайвандлаш учун ишлатиладиган трансформаторлар,</li> <li>-ҳамма русумдаги электр лампалар,</li> <li>-ўчириб-ёқичлар,</li> <li>-розетка ва бошқалар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-бўёқлар,</li> <li>-оқ бўёқ,</li> <li>-эмаль,</li> <li>-алиф,</li> <li>-эриткичлар,</li> <li>-автомобиль ва трактор шиналари,</li> <li>-двигател тасмалари, юқори босим резина шланглари</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>-консолли насослар,</li> <li>-қудуқ насослари,</li> <li>-турли модификациядаги электродвигателлар,</li> <li>-компрессорлар,</li> <li>-саноат вентиляторлари,</li> <li>-мачтали кўтаргичлар ва кичик механизация воситалари</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-совутичлар,</li> <li>-савдо-технология ускуналари,</li> <li>-кир ювиш машиналари,</li> <li>-телевизорлар,</li> <li>-электр плиткалар,</li> <li>-радиоприёмниклар,</li> <li>-телефон аппаратлари</li> </ul>

**ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТАДИ**  
Йўловчи ва юк ташиниш учун беради:

- 40 ўринли ЛАЗ автобуси,
- 11 ўринли РАФ-2203 микроавтобуси,
- ГАЗ-52 автомашинаси,
- ГАЗ-53 автомашинаси,
- ЗИЛ-130/5 тн/автомашинаси,

"Самарқандулгуржисавдобиржаси" иштирокида Ўзбекистон Республикаси товар-хонамә биржасининг Самарқанд биржаси тузилди.  
Биржа фирмаси таклиф этади:

- биржа савдосида мунтазам қатнашиш ҳуқуқи билан брокерлик ўрнига эга бўлиш;
- ўз маҳсулотингиз намунасини кўргазмага қўйиш учун доимий ишлайдиган ярмаркадан ўрин олиш.

Биржа ва ярмарка савдоларида харид қилинган маҳсулотларни Республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилаётганда /экспорт қилиш таъқиқланганларидан ташқари/ лицензияланмайди ва божхона божи тўланмайди.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**  
Бизда кўйидагиларни кесиш учун зарур ускуналар ҳам мавжуд:

- қоғоз,
- металл,
- кабел,
- цементни халталовчи ускуна

**ТУРЛИ ИШЛАРГА МЎЛЖАЛАНГАН ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАЛАРИ:**

- занжирли бульдозер-ДЗ-42,
- экскаватор - "Беларусь" ЮМЗ 6 К,
- пневмоход кран /25 тн/,
- автокран-КС-2561 /6 тн/,
- автопоклаж /10 тн/,
- электрокара - ЭК-202,
- самосвал-ММЗ-4502,
- сув сепадиган машина,

**Прокатта беради:**

- автокран - КрА3-257 /16 тн/,
- ГАЗ-62 машинасига ўрнатилган телескопик минара,
- трактор - Т-40,
- пайвандлаш мосламаси - ВД-101; 61,
- пайвандлаш ярим автомати - САПТ-2,8/150,
- пайвандлаш трансформатори - ТДМ-503,
- электрбураи,
- бетонқорич,
- вибратор - ИВ-117,
- мачтали кўтаргич - ТП-1,

**ЭЛЕКТРУЛЧАГИЧ АСВОБЛАР ВА ЎРНАТГИЧЛАР:**

- амперметр - Э80-30 250 В,
- вольтметр - М-381,
- фазометр,

- логометр - Ш-4547,
- гальванометр - МО-47400,
- манометр - МТП-100 /10 атм/,
- анемометр - МС-13,
- товуш колонкаси - 2 КЗ,
- товуш колонкаси - 25 КЗ,
- чарчаш учун қўшимча мослама,
- токларлик учун қўшимча мослама,
- фрезерлаш учун қўшимча мослама

**"САМАРҚАНД" ВА "ЗАРАФШОН" ТЕМИР ЙЎЛ СТАНЦИЯЛАРИДА**  
Юкларни ортиш, тушириш, ташинишга ёрдам қилади

Корхоналар, ташкилотлар, хусусий шахслар, фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг доимий кўргазмалари, ярмаркаларини ташкил қилади.  
Маҳсулотни сотиш, фойдаланилмаётган қимматбаҳо буюм-ашёларни, ишлаб чиқариш чиқитларини сотишда воситачилик қилади.  
Маҳсулотлар ва ишлаб чиқарувчиларга дахлдор зарур

**Шунингдек:**

ахборотлар беради.  
Аудиторлик хизмати кўрсатади.  
Сизга юқори малакали товаршунос-брокерлар хизмат қилади.  
Вилоят аҳолисидан, ташкилотлардан чекланмаган миқдорда темир-тесак, қора ва рангли металллар қабул қилади.  
Ҳар хил буюмлар тикиш учун буюртмалар қабул қилади:

- кўрначалар,
- тўшак чойшаблари,

"Самарқандулгуржисавдобиржаси" Сизга Самарқанд шаҳри марказидаги ишлаб меҳмонхонасидан жой ҳам беради.  
Хизмат ҳақи шаҳардаги худди шундай меҳмонхоналардагидан 10 фоиз арзондир.

**ШУНИНГДЕК:**

- шлакблуклар,
- пиёдалар йўлакчалари учун плиткалар,
- пойдевор блуклари тайёрлаб беради.

**МАХСУЛОТИНГИЗНИ САҚЛАШ УЧУН ОМБОРХОНАЛАР БЕРИБ ТУРАДИ**

**Манзилимиз:**  
Самарқанд шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 85А. Инд. 703000.  
**Телефонлар:**  
35-77-11, 33-02-20, 35-11-24, 35-30-07.

**Биздаги имкониятлар сизнинг муваффақиятингиз учун гаровдир!**

## ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш» тўғрисидаги Фармони ҳаётга тадбиқ этиш, мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, ишбилармонлик билан шуғулланишнинг мавқеи-

ни ошириш мақсадида «Бизнес-пресс» танловини ўтказишга қарор қилди. Танлов туман, шаҳар, вилоят ва республика оммавий ахборот воситалари, шунингдек алоҳида журналистлар ўртасида ўтказилади. Танловга юқорида тилга олинган Фармонни ҳаётга тадбиқ этиш мавзудаги 30-мартдан шу йилнинг 1 июнига қадар чоп этилган (эфирга берилган) мақолалар, очерк-

лар, репортажлар, интервьюларни тавсия этиш мумкин.  
Журналистлар ўртасидаги «Бизнеснинг олтин қалами» танловида биринчи ўрин учун 7 минг, иккинчи ўрин учун 5 минг ва учинчи ўрин учун 3 минг сўм миқдорда пул мукофоти белгиланган.  
Оммавий ахборот воситалари жамоалари ўртасидаги «Тадбиркорлик — долзарб мавзу»

танловида биринчи ўрин учун 30 минг, иккинчи ўрин учун 20 минг ва учинчи ўрин учун 10 минг сўм пул мукофоти берилади.  
Танлов ғолибларини республикамизнинг таниқли журналистлар ва «Бизнес фонд» вакилларида иборат эксперт комиссияси аниқлайди.  
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8-уй. Тел.: 45-29-51.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг Иштирокида белгиланган статистика давлат қўмитаси жамғармаси кўмитаси раҳбари Шунингдек Т. А. Юсуповга волидалари <b>Мухтабар ЮСУПОВ</b> нинг вафот этганилиги муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.	Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси ҳузуридаги Иқтисодий сўғурта жамғармаси вакили Сулаймон Халиевга онаси <b>Ханигул ИГЛИЕВ</b> нинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.	Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси Алоҳид вазирилги «Ўзбектелеком» концернининг Шаҳарлараро алоқа ва телевидение худуди ишлаб чиқариш бирлашмаси жамғармаси вакили Сулаймон Халиевга онаси <b>Иззат НАЗАРОВ</b> нинг вафот этганилиги муносабати билан чукур таъзия изҳор қилади.	Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси Алоҳид вазирилги «Ўзбектелеком» концернининг Шаҳарлараро алоқа ва телевидение худуди ишлаб чиқариш бирлашмаси жамғармаси вакили Сулаймон Халиевга онаси <b>Мухтабар ЮСУПОВ</b> нинг вафот этганилиги муносабати билан чукур таъзия изҳор қилади.	Биринчи Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳи ректорлиги юқумли ва болалар юқумли касалликлар кафедраси ассистенти Осула Ибрагимовна Абдуллаевага онаси <b>Махсума ОБИДОВА</b> нинг вафот этганилиги муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.
---	---	--	--	---



**ХАЛҚ СЎЗИ**  
НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Анвар ЖЎРАБОВ.

**• БЎЛИМЛАР:**  
Парламент 33-57-34;  
Халқлар 33-07-48;  
Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;  
Иқтисодий 32-36-65;  
Маънавият 32-35-60;  
Ахборот 32-29-89;  
Туни муҳарририят 33-10-28.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Х. Сагторов.  
Навбатчи — Ф. Шермухаммад.